



КЎНГИРОТ — ўзбек халки таркибига кирган қабилалардан бири. Илк ўрта асрларда Олтой, Мўғулистоннинг шим. қисмида яшаганлар. Ўрта Осиёда турли қўчманчи туркий қабил ва уруғлар Кўнгиротлар атрофида уюшиб, уларнинг қабилавий номини қабул қилишган. 14-а. да Хоразмда қ. зодагонлари орасидан суфийлар сулоласи ҳокимият тепасига келган. 16-а. да Кўнгиротлар Ўзбек улусидаги туркий қабилалар таркибига кирган. Улус парчаланиши билан Кўнгиротлар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва б. халқлар таркибига кирган. 14—16-а. лар давомида Кўнгирот ларнинг айрим гуруҳлари Хуросон. Шим. Афғонистон ва ХисорШеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Хоразм ҳудудига ўтган Кўнгиротлар кейинчалик Хоразмнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишган. 18-а. нинг 2-ярми — 19-а. бошларида Хива хонлигини ўзбекларнинг қ. сулоласи бошқарган. Бу сулола 1920 й. большевиклар томонидан тугатилган.

Этнограф Б. Х. Кармишева Кўнгиротлар 5 та катта уругдан: ваҳтамғали, қўштамғали, қонжигали, ойинли ва тортувлидан иборат эканлигини кўрсатган. Кўнгиротлар орасида энг катта гуруҳ ваҳтамғали бўлиб, у 18 та катта уруққа бўлинади: очамайли, боймоқли, тароқли, чан-чикли, қозоқли, қўмичли. қайчили, ишқили, қийғочли, қилонтамғали, қолғали, қорақўнгирот, қуғақили, қувли, қандақли, қирғоқли, қабқили қесовли.

20-а. бошида Бухоро хонлигида Кўнгирот ларнинг умумий сони 85 760 қишидан иборат бўлган. Улар, асосан, Қойсундарё ҳавзаси (3525 қиши)да, Қоратогдарё (13 140), Шерободдарё (18 383) ва Қурхондарё (9 375) ҳав-заларида ҳам Қофирқихонда (1 245), Қарши воҳаси (7 175)да, Қузордарёнинг қуи қисми (8875) да, Амударё водийси ва Термиз атрофи (3525) да яшашган.

19-а. охири —20-а. бошларида Кўнгирот ларнинг ақсарияти қрим ўтрок қолда яшаб, қўжалигида қорвачилиқ муҳим роль ўйнаган.

Ад.: Қармишева Б. Х., Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Ўзбекистана, М., 1976.